

УДК 355.233

Хашимов Пазлиддин Зукурович

Ўзбекистон Миллий университети профессор в.б.

hashimov 51 @mail.ru.

тел: 94-690-74-44

Жаббаров Зарифбой Рустамович

Ўзбекистон Миллий университети доценти

jabborovzarifboy70@mail.com

тел: 90-122-02-01

Рустамова Дилшода Зарифбой қизи

Ўзбекистон Миллий университети талабаси

dilshodarustamova2004@gmail.com

тел: 93-309-56-89

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ

Анотация:

Мақолада тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади, вазибалари, фаолият тамойиллари, объекти ва субъекти, стратегия ва тактикасини ўз ичига олувчи концепция тавсифланган. Унда тадбиркорликнинг моҳияти, шакллари, унинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи таҳдидлар, улардан ҳимояланиш усуллари, тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш мезонлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, хусусий тадбиркорлик, жамоа тадбиркорлиги, концепция, хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик тизими, хавфсизликни таъминлаш вазибалари, иқтисодий хавфсизлик тамойиллари, хавфсизлик объекти, хавфсизлик субъекти, иқтисодий хавфсизлик стратегияси.

Кириш (Introduction)

Тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тизимини ишлаб чиқишнинг асосини маълум концепция ташкил этади. Концепция иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг мақсади, вазибалари, фаолият тамойилларини, объект ва субъектни, стратегия ва тактикани ўз ичига олади.

Мазкур тизимнинг мақсади ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган иқтисодий-ҳукукий ва ташкилий тавсифга эга бўлган чоралар мажмуи асосида тадбиркорлик субъектининг иқтисодий, шу жумладан, молиявий, моддий, ахборот ресурслари ва кадрлар ҳолатига ички ва ташқи хавфларни ниҳоятда камайитиришдан иборат. Шуни назарда тутиш зарурки, тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда хавфсизлик тизимининг пойдевори бўлиб ҳисобланувчи бирламчи иқтисодий-ҳукукий ва ташкилий чоралар катта аҳамиятга эга.

Белгиланган мақсадга эришиш жараёнида хавфсизликни таъминлашнинг барча йўналишларини бирлаштирувчи муайян вазибалар амалга оширилади. Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омилдир. Ушбу соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охиригича икки ярим йилда Президентимизнинг элликдан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида” ги ПФ-29-сон Фармони.

2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора -тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5490-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида” ги ПФ-5308-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-4848-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4725-сон Фармони.

Шулар асосида, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди[1].

Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли рухсатномалар олиш ва бошқа қўллаб-қувватлаш хизматлари тартиб-қоидалари соддалаштирилди. Бу борада қулайлик яратиш учун Давлат хизматлари агентлиги ва унинг жойлардаги марказлари ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) лавозими жорий қилинди.

Барча ҳудудларда тадбиркорлар мурожаатларини қабул қилиб, ҳал этишга кўмаклашадиган Бош вазир қабулхоналари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолияти йўлга қўйилиб, унга 200 миллиард сўм ва 50 миллион доллар маблағ ажратилди. Тижорат банклари томонидан тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар ҳажми ошди.

Бундай амалий чоралар ўз натижасини бермоқда. Кичик бизнес мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 60 фоизини, саноат маҳсулотлари ҳажмининг учдан бирини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 98 фоизини, инвестицияларнинг ярмини таъминламоқда. Кўпгина вилоятларда экспортнинг 70-90 фоизи айнан кичик бизнесга тўғри келади. Жорий йилнинг 6 ойида тадбиркорлик субъектлари сони 60 мингтага ортди[2].

Маълумки, тадбиркорлар амалий фаолиятларида ўз ишларини ташкил қилиш ва уни ривожлантириш жараёнида айрим ҳолларда баъзи субъектларнинг ноқонуний тавсифга эга бўлган салбий таъсирига дуч келадилар. Бу, ўз навбатида, тадбиркорларнинг иқтисодий хавфсизлигини етарли даражада сақлаб туриш заруриятини келтириб чиқаради. Тадбиркорликнинг ўзи нима, у қандай шаклларда амалга оширилади, унинг хавфсизлигига қандай таҳдидлар раҳна солади, улардан ҳимояланиш усуллари нимага асосланади – бу масалалар барча мамлакатлар учун долзарб бўлган ва ҳозирда ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик фаолияти икки нуқтаи назардан иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан тавсифланиши мумкин.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).

Иқтисодий нуқтаи назардан тадбиркорлик фаолияти ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида маълум вазифани бажаради. Бу вазифани ёрқинроқ австриялик

олим Йозеф Шумпетер тасвирлаган. Тадбиркорларни у «вазифаси айнан янги комбинацияларни амалга ошириш бўлиб ҳисобланувчи хўжалик субъектлари»[3] деб атайди. Тадбиркорларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим роль ўйновчи янгиликларни киритишни амалга оширишлари ҳисобланади. Янгиликларни киритиш янги маҳсулотлар ва технологияларни жорий қилиш, янги бозорлар ва хом ашё манбаларини ўзлаштириш, ташкилий янгиликларни қўллаш ва бошқаларни ўз ичига олади. «Янгиликларни киритиш» иборасининг синоними бўлиб кўпинча «инновация» тушунчаси ҳисобланади. Бинобарин, иқтисодий нуқтаи назардан тадбиркорлик бу янгилик киритувчи (инновацион) фаолият, тадбиркорнинг ўзи эса новаторлик вазифасини бажарувчидир.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим, проф. Х.П. Абулқосимовнинг фикрича иқтисодий хавфсизликнинг намоён бўлиш шакллари унинг субъектлари ва объектлари нуқтаи назардан туркумлаш мумкин. Иқтисодиёт субъектлари нуқтаи назардан иқтисодий хавфсизлик қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- шахснинг иқтисодий хавфсизлиги;
- корхона (фирма)нинг иқтисодий хавфсизлиги;
- давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги[6].

Ҳуқуқий нуқтаи назар тадбиркорлик фаолиятининг бошқа мезонларини кўзда тутди. Тадбиркорлик қуйидаги фаолиятларни ўз ичига олади:

- мустақил ўзининг таваккалчилигига асосланган (яъни, тадбиркор ўзининг фаолияти натижалари бўйича тўла жавобгарликка эга);
- мунтазам равишда (бир марталик эмас) фойда олишга қаратилган;
- мулкдан фойдаланиш, товарларни сотиш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатишга қаратилган;
- шахсларни тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш.

Хусусий тадбиркорлик фаолияти якка тартибда ва жамоа асосида амалга оширилиши мумкин. Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг хусусияти шундан иборатки, тадбиркорлик билан юридик шахс ташкил этмасдан туриб ва уни ташкил этган ҳолда шуғулланиш мумкин. Биринчи ҳолатда фуқаро якка тартибдаги тадбиркор (жисмоний шахс) сифатида рўйхатга олинади. Иккинчи ҳолатда тадбиркор юридик шахс мақомини қўлга киритгандан кейин (хусусий корхонани рўйхатдан ўтаздандан сўнг) тадбиркорлик фаолиятинини олиб борар экан, барча ҳаракатларини ана шу юридик шахс номидан (ўз номидан эмас) олиб боради. Жамоа тадбиркорлик фаолияти билан ўз фаолияти асосий мақсадини фойда олиш сифатида белгилаган тижорат ташкилотлари шуғулланади. Уларга ўртоқлик хўжаликлари ва жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари киради. Жамоа тадбиркорлиги фаолиятининг (нодавлат) шакллари қуйидагилар бўлиши мумкин:

Тўла ўртоқлик – шундай ўртоқликки, унинг иштирокчилари улар ўртасида тузилган шартномалар асосида ўртоқлик номидан тадбиркорлик фаолиятини олиб борадилар ва уларга тегишли бўлган мулкый мажбурият бўйича жавобгардирлар.

Ишончга асосланган ўртоқлик – шундай ўртоқликки, ўртоқлик номидан тадбиркорлик фаолиятини олиб боровчи ва уларга тегишли бўлган мулкый мажбурият бўйича жавобгар бўлган иштирокчилар (тўла ўртоқлик) билан бирга ўртоқлик фаолияти билан боғлиқ бўлган зарар бўйича киритилган маблағ суммаси чегарасида таваккал қилувчи ва ўртоқликнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этмайдиган бир ёки бир нечта иштирокчилар бўлади.

Масъулияти чекланган жамият – бир ёки бир нечта шахслар томонидан таъсис этилган жамият бўлиб, унинг устав капитали таъсис ҳужжатларида белгиланган улушларга бўлинган бўлади, масъулияти чекланган жамият аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмаслар ва жамият фаолияти билан боғлиқ бўлган зарарлар бўйича улар томонидан киритилган қиймат чегарасида таваккалчиликни ҳис қиладилар. Қўшимча масъулиятли жамият – бир ёки бир нечта шахслар томонидан таъсис этилган жамият бўлиб,

унинг устав капитали таъсис ҳужжатларида белгиланган улушларга бўлинган бўлади, унинг аъзолари жамият мажбуриятлари бўйича ўз мулклари билан бирдамлик асосида киритган маблағлари ҳажмида субсидиар жавобгарликни ҳис қиладилар. Акциядорлик жамияти – устав капитали маълум сонли акцияларга бўлинган жамиятдир. Акциядорлик жамияти аъзолари (акциядорлар) унинг мажбуриятларига жавобгар эмаслар ва уларга тегишли акциялар қиймати чегарасида жамият фаолияти билан боғлиқ бўлган зарарлар бўйича таваккалчиликни ҳис қиладилар. Акциядорлик жамияти ёпиқ бўлиши мумкин – унинг акциялари фақат унинг таъсисчилари ёки олдиндан белгиланган шахслар ўртасида тақсимланади. Очiq акциядорлик жамияти унинг аъзолари ўзларига тегишли бўлган акцияларини бошқа акциядорларнинг розилигисиз ажратиб олишлари мумкин. Ишлаб чиқариш кооперативи – юридик шахс мақомига эга бўлган тижорат ташкилотидир. У ишлаб чиқариш ёки қандайдир хўжалик фаолиятини биргаликда олиб бориш мақсадини кўзловчи фуқароларнинг кўнгилли уюшмаси бўлиб ҳисобланади. Бундай кооперативнинг мулки пайлардан ташкил топади.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Тадқиқотнинг методологик асосини тадбиркорлик фаолияти иқтисодий ҳавфсизлигининг моҳияти ва шакллари соҳасидаги қонун ости ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарорлари, вазирлар маҳкамасининг қарорлари олинди. Статистик маълумотларни йиғиш ва уларни қайта ишлашда замонавий статистик усуллар ва кузатувлар, қиёсий ва тизимли, анализ ва синтез усулларида кенг фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Жаҳон хўжалик юритиш амалиётининг кўрсатишича, ҳозирги вақтда тадбиркорлик фаолиятининг энг кўп тарқалган шакллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

юридик шахсни ташкил қилмай яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти, хусусий корхона, масъулияти чекланган жамият, акциядорлик жамияти. Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида тадбиркорлик фаолияти учун нафақат ташкилий-ҳуқуқий шакллар, балки турли кўринишлар ҳам ҳосилдир. Тадбиркорлик фаолияти турлари маълум мезонлар асосида туркумланиши мумкин.

Фаолият тавсифига кўра тадбиркорликнинг қуйидаги турлари бўлиши мумкин:

ишлаб чиқариш (товарни яратиш билан боғлиқ бўлган);

илмий-техникавий (янги турдаги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш); савдо-воситачилик (сотиб олиш, сотиш, қайта сотиш);

сервис хизмати (маиший хизматларни кўрсатиш, пойабзал таъмирлаш, бўяш ва тикиш, тикув, мўйна, чарм ва трикотаж буюмларни, бош кийимларни ва тўқимачилик галантереяси буюмларини таъмирлаш ва тикиш, радиоэлектрон аппаратлар ҳамда электр машина ва ускуналарни таъмирлаш, мебель тайёрлаш, реставрация қилиш ва таъмирлаш, сартарош хизмати, заргарлик буюмларини таъмирлаш ва тайёрлаш);

банк хизмати (банк хизматларини кўрсатиш);

суғурта хизмати (ҳаёт, мол-мулк, келишувлар ва бошқаларни суғурталаш бўйича хизмат кўрсатиш);

бошқарув хизмати (бошқарув бўйича хизмат кўрсатиш);

маслаҳат бериш (ташкилий, иқтисодий ҳуқуқий ва бошқа масалалар бўйича маслаҳатлар бериш);

маркетинг хизмати (бозорни ўрганиш бўйича хизмат кўрсатиш);

бошқалар.

Ҳажми бўйича (бандлар сони ёки фирманинг йиллик оборотида боғлиқ ҳолда) тадбиркорлик қуйидагиларга бўлинади:

кичик;

йирик.

Мулк шакли бўйича тадбиркорлик қуйидагича бўлиши мумкин:

хусусий;

давлат;
аралаш.

Албатта келтирилган тасниф тугалланган эмас, хўжалик юритиш амалиётида тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турли-туман кўринишлари ҳам бўлиши мумкин. Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида тадбиркорлик соҳасининг нормал шаклланиши ва ривожланиши бу жараёни таъминловчи маълум шарт-шароитларни талаб этади. Бундай шарт-шароитларнинг энг муҳимларидан бири бу тадбиркорликнинг хавфсизлигидир. Тадбиркорлик фаолияти хавфсизлиги деганда, тадбиркорлик фаолияти субъекти амал қилишининг барча босқичларида, биринчи навбатда, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа салбий оқибатларга олиб келувчи ички ва ташқи таҳдидлардан муҳофаза қилинганлигини тушуниш лозим.

Корхона хавфсизлиги тизими қуйидаги қатор кичик тизимларни ўз ичига олиши мумкин [7]:

иқтисодий хавфсизлик;
техноген хавфсизлик;
экологик хавфсизлик;
ахборот хавфсизлиги;
психологик хавфсизлик;
жисмоний хавфсизлик;
илмий-техникавий хавфсизлик;
ёнгин хавфсизлиги.

Тадбиркорлик хавфсизлиги турли мезонлар, яъни белгилар асосида баҳоланиши мумкин.

Биринчидан, уни ташкилий жиҳатдан баҳолаш мумкин. Бу ҳолда нафақат фирманинг ўзини, балки унинг ташкилий бутунлигини, асосий бўлинмаларининг (бўлимлари, хизматлари ва бошқалар) нормал амал қилишини сақлаб туриш кўзда тутилади. Фирманинг асосий бўлинмалари (масалан, таъминот бўлими, молия бўлими ёки бухгалтерияси, маркетинг хизмати) фирманинг асосий мақсадига эришиш учун ўзларининг барча вазифаларини бажарадилар. Иккинчидан, бу ҳуқуқий томондан баҳолаш. Бу ҳолда фирма фаолиятининг амалдаги қонунчилик талабларига мос келиши, яъни қонунни муҳофаза қилиш органлари (ёки контрагентлар) томонидан фирмага даъвонинг йўқлигини доимо таъминлаш назарда тутилган. Учинчидан, ахборот томонидан. Хавфсизлик ички махфий ахборотнинг ташқарига турли шаклларда чиқиб кетиши ёки ошкора қилинишининг химояланганлиги ҳолати сифатида баҳоланиши мумкин. Тўртинчидан, иқтисодий нуқтаи назардан. Бу фирма фаолиятининг барқарор ёки ўсиш тенденциясига эга бўлган асосий (ўз капитали, йиллик обороти ҳажми, фойда, рентабеллик каби) асосий кўрсаткичларида намоён бўлади. Уларда ташкилий, ҳуқуқий, ахборот ва иқтисодий томондан хавфсизликни таъминлаш умумий натижалари акс эттирилади. Буларга қонунчиликни (масалан, солиқ, антимонопол) бузганлиги учун давлат органлари томонидан жарималар, санкцияларнинг йўқлиги, нопок контрагентлар билан тузилган битимлардан йўқотишларнинг мавжуд эмаслигини киритиш мумкин.

Хавфсизликни таъминлаш тизими қуйидаги вазифаларни бажаради:

-иқтисодий хавфсизликка бўлиши мумкин бўлган таҳдидларни прогнозлаштириш;
-бўлиши мумкин бўлган таҳдидлар ҳақида огоҳлантириш бўйича фаолиятни (бирламчи чоралар) ташкил этиш;
-иқтисодий хавфсизлик бўйича юзага келган реал таҳдидларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш;
-юзага келган таҳдидларга диққатни қаратиш бўйича қарорларни қабул қилиш ва фаолиятни ташкил этиш;
-тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тизимини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш.

Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлиги тизimini ташкил этиш ва унинг самарали амал қилишини таъминлаш қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим.

Қонунчилик тамойили. Фирманинг барча фаолияти, жумладан, унинг хавфсизлик хизмати қонунчилик тавсифига эга бўлиши керак, акс ҳолда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизими тадбиркорлик субъектининг ўз айби билан барбод бўлиши мумкин. Салбий оқибатлар сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг турли санкциялари, жавобгар сифатида судга жалб қилиш, криминал таркиблар томонидан шантаж бўлиши мумкин.

Иқтисодий мақсадга мувофиқлик тамойили. Фақат шундай объектларнинг ҳимоясини ташкил этиш керакки, буларнинг ҳимоясига кетадиган харажатлар бу объектларга таҳдидларнинг амалга оширилиши зиёнларидан кам бўлсин. Бу ҳолда, шунингдек, иқтисодий хавфсизлик тизimini ташкил этиш бўйича фирманинг молиявий имкониятлари ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Превентив ва реактив чораларнинг уйғунлиги. Превентив – оғоҳлантириш тавсифига эга бўлган, иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг юзага келиши ва амалга оширилишига йўл қўймайдиган чоралардир. Реактив – таҳдидларнинг ҳақиқатда юзага келиши ёки уларнинг салбий оқибатларини ниҳоятда камайитириш ҳолларида қўлланиладиган чоралардир.

Мунтазамлилик тамойили тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тизими доимо амал қилиши кераклигини назарда тутди.

Табақалаштириш тамойили юзага келган таҳдидларни бартараф этиш бўйича чораларни танлаш таҳдиднинг тавсифи ва унинг амалга оширилиши оқибатларининг оғирлиги даражасига боғлиқ ҳолда содир бўлади.

Мувофиқлаштириш. Белгиланган вазифаларга эришиш учун хавфсизлик хизмати турли бўлинмалари ҳамда фирманинг фаолиятини мунтазам равишда мувофиқлаштирган ҳолда олиб бориш ва ҳимоянинг ташкилий, иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа услубларини уйғунлаштириш зарур.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизимининг тадбиркорлик фаолияти субъекти раҳбарияти томонидан тўла назорат қилиб борилиши. Бу, биринчидан, хавфсизлик тизими, умуман фирманинг манфаатларини ҳисобга олмай, тор доирадаги вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган, ўз қобиғига ўралган тузилмага айланиб қолмаслиги, иккинчидан эса тизим фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва уни имкони борида такомиллаштириш учун зарур.

Тизимнинг объекти бўлиб умуман жорий ва истиқбол даврида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барқарар иқтисодий ҳолати ҳисобланади. Ҳимоянинг аниқ объекти эса молиявий, моддий ва ахборот ресурслари ҳамда кадрлар ҳисобланади.

Тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тизими субъекти ўта мураккаб тавсифга эга, чунки унинг фаолияти нафақат объектнинг хусусиятлари, балки тадбиркорлик фаолияти субъектини ўраб турган ташқи муҳитнинг ўзига хас шароитларига ҳам боғлиқ.

Тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тизимининг объекти ва субъекти узвий бир-бирига боғлиқ. Шулардан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи субъектларни икки гуруҳини ажратиш мумкин:

Ички субъектлар;

Ташқи субъектлар.

Ички субъектларга тадбиркорликнинг аниқ иқтисодий хавфсизлигини ҳимоялаш бўйича бевосита фаолият олиб боровчи шахслар киради. Бундай субъектларга қуйидагилар киради:

- фирма (корхона)нинг ўз хавфсизлик хизмати ходимлари;
- тадбиркорлик фаолиятини ҳимоялаш бўйича хизмат кўрсатувчи ихтисослашган фирмалардан таклиф қилинган ходимлар.

Ташқи субъектларга тадбиркорлик муносабатларининг қонунчиликка бўйсунувчи барча иштирокчилари хавфсизлигини таъминловчи қонунчилик, бажарувчи ва суд

хокимияти органлари киради. Бу органлар турли жиҳатлар бўйича тадбиркорлик фаолияти амал қилиши ва ҳимоясининг қонунчилик асосини шакллантирадилар ва унинг бажарилишини таъминлайдилар. Тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи субъектлар ўз фаолиятларини маълум стратегия ва тактика асосида олиб борадилар. Стратегия–мақсадга эришишга узок муддатли ёндашув. Иқтисодий хавфсизликнинг бош стратегияси тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш комплекс тизими умумий концепцияси орқали ифодаланади. Бош стратегиядан ташқари, шунингдек, махсус стратегиялар ҳам (масалан, тадбиркорлик фаолиятининг босқичига боғлиқ ҳолда) мавжуд. Ва ниҳоят, хавфсизликнинг функционал стратегиялари қўлланилиши мумкин.

Иқтисодий хавфсизлик стратегияси, биринчи навбатда, контрагентларни текшириш, мўлжалланган иш битимларини таҳлил қилиш, ҳужжатларни экспертиза қилиш, махфий ахборот билан ишлаш қоидаларини бажариш ва бошқалар бўйича тадбиркорлик фаолияти субъекти барча бўлинмаларининг мунтазам, узлуксиз олиб борадиган ишлари орқали амалга ошириладиган превентив чораларни ўз ичига олади.

Реактив чоралар стратегияси тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигига қандайдир таҳдиднинг юзага келиши ёки ҳақиқатда ҳам амалга оширилиши ҳолларида қўлланилади. Вазиятдан келиб чиқиб ёндашиш ҳамда ички ва ташқи омилларни ҳисобга олишга асосланган бу стратегия мазкур вазият учун ўзига хос бўлган чоралар тизими орқали хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion)

Юқорида билдирилган фикр-ғоялар юзасидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Хавфсизликни таъминлаш моҳияти тадбиркорлик субъектининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аниқ чораларни қўллаш ва аниқ ҳаракатларни бажаришни кўзда тутати. Таҳдидларнинг тавсифи ва уларнинг амалга оширилиши оқибатларига қараб бундай ҳаракатлар, масалан, қуйидагилар бўлиши мумкин:

- фирманинг юридик хизматини кенгайтириш;
- тижорат сиринининг сақланганлиги бўйича қўшимча чораларни қўллаш;
- корхона ва ташкилотларда компьютер хавфсизлиги бўлинмасини ташкил этиш;
- қондани бузувчи контрагентга корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан огоҳлантириш орқали эътироз билдириш;
- суд органларига шикоят билан мурожаат қилиш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш.

Фирма иқтисодий хавфсизлик хизматининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- фирманинг бўлинмалари билан биргаликда махфий ахборот муҳофазасини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- фирма фаолияти ҳақидаги махфий ахборотни олиш мақсадида персоналга нисбатан шантаж қилиш, ифволар ва бошқа уринишлар тўғрисидаги маълумотларни текшириш;
- хавфсизлик масалалари бўйича ахборотни йиғиш, жамғариш, автоматлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш ва таҳлил қилишни ташкил қилиш;
- фирма бўлинмаларида текширув ўтказиш ва уларга ўз фаолиятлари хавфсизлиги масалалари бўйича амалий ёрдам кўрсатиш;
- тижорат сирлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- ёпиқ иш юритишни олиб бориш қоидаларини текшириш;
- ходимларни иқтисодий, ахборот ва жисмоний хавфсизлик қоидаларига риоя қилишлари бўйича текшириш;
- персонал билан ишлаш бўйича кадрлар бўлимига ходимларни танлаш, жойлаштириш, хизмат доирасида жойини ўзгартириш ва ўқитиш масалалари бўйича ёрдам кўрсатиш;

- виждонсиз ҳамкорлар билан битим тузишнинг олдини олиш мақсадида контрагентлар ҳақида ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва таҳлил қилиш;
- фирма раҳбариятининг иқтисодий хавфсизлик хизмати ваколатига кирувчи кўрсатмаларини бажариш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро алоқада бўлиш, турли молиявий-хўжалик қонунбузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича тадбирларни ўтказиш;
- махфий ахборотларни ошкор қилиш далиллари, фирма ходимлари томонидан иш ҳужжатларини йўқотиш ва фирманинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солувчи хатти-ҳаракатлар бўйича хизмат текширувларини ўтказиш.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон иқтисодиётида бозор муносабатлари ва институтларининг фаол шаклланиши ва ривожланиши кузатилмоқда. Бу жараёнда асосий ролни тадбиркорлик ўйнамоқда. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, тадбиркорлар синфида ўз фаолиятини кенгайтириш учун имконият қанча кўп бўлса, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш суръатлари шунча юқори бўлади. Бундай шароитда мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қулай имкониятларнинг яратилиши муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, энг умумий кўринишда фирманинг хавфсизлиги тўғрисида унинг бир бутун таркибий тузилма ва юридик шахс сифатида сақланганлиги ҳамда барқарор (ёки ўсиб бораётган) молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари далолат беради. Фирма фаолиятининг аниқ томонларига нисбатан унинг хавфсизлиги бўйича махсус кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Бироқ, хўжалик юритиш жараёнида тадбиркорлик фаолияти субъектлари турли жисмоний ва юридик шахсларнинг биринчи навбатда фирманинг иқтисодий ҳолатига салбий таъсир кўрсатишига учрашлари мумкин. Бундай ҳолатда иқтисодий хавфсизликка таҳдид тушунчаси юзага келади. Зеро, тадбиркорлик фаолияти субъекти учун иқтисодий хавфсизликка таҳдидни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади, чунки барча йўқотишлар (ташкилий, ахборот, моддий, фирма имижи) пировард натижада айнан иқтисодий йўқотишларда, яъни молиявий маблағларни йўқотишда (одатда барча таҳдидларнинг асосида иқтисодий мотивлар ётади) ифодаланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон. <https://lex.uz/docs/5841063>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2022 йил 23 июль куни кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши. <https://www.uzavtoyul.uz/cy/post/kichik-biznes-va-tadbirkorlikni-rivojlantirish-boyicha-yangi-tizim-joriy-etiladi.html/>.
3. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: «Прогресс», 1982.
4. Мак-Мак В.П. Служба безопасности предприятия. Организационно-управленческие и правовые аспекты деятельности. – М.: «Мир безопасности», 1999.
5. Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. – М.: Изд-во «РАГС», 2001.
6. Абулқосимов Х.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт. / Ўқув қўлланма. Т-2019.
7. Абулқосимов Х.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. / Ўқув қўлланма. Академиа», 2012.
8. Абулқосимов Х.П. Тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизликка таҳдид ва уни бартараф этиш йўллари. / Ж. Молия, 2016 йил, 4-сон. – Б. 137-142.